



**(Боши 1-бетда)**

Улар орасида, айниқса, германиялик тадқиқотчи Габриэле Келлер хонининг эътирофлари хотирамга муҳрланган қолган. «Тярифлашга сўз ожизлик қиладиган шахар», дейди у ҳар гал Самарқанд ҳақида гап кетганда.

Келлер хоним Самарқандга бир неча бор ташриф буюрган. Шаҳарнинг афсонавий обидалари, зиёратгоҳларини томоша қилиш билан бирга кенг тафаккурли халқига, унинг маданияти, турмуш тарзига қизиқиш қолган. Воҳа аёлларининг ҳаёти, оиладаги, жамиятдаги ўрни уни мафтун этган. Ана шу қизиқиш, хурмат-эътиром рамзи сифатида унинг Хуррам Раҳимов билан ҳамкорлигида «Самарқанд аёллари» номли китоби чоп этилди. Шунингдек, у ўзбек халқ эртаклари ва халқ оғзаки ижоди бўйича ҳам китоб ёзган. Келлер хоним ёзилмак асари учун манба излаб, Самарқанддаги ўнлаб хонадонларда меҳмон бўлган. Эртаклар ойналардан қадим эртак ва қўшиқлари, мақола маталарни ёзиб олган. Хуллас, Самарқанднинг ўзидек афсонавий, тақдорли эртакларини дунё болаларига тақдим этган.

Самарқанд нийоқтада бой тарихий ўтмишга эга қадимий шаҳар. Унинг бир-биридан гўзал ва маҳобатли тарихий обидалари дунё халқларини ўзига мафтун этиб келмоқда. Айни кунда бу ерда икки мингдан ортиқ тарихий обидани, қадимий меъморий эътиборли томоша шундаки, уларнинг 15 га яқини Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг рўйхатида туради.

Мамлакатимизда эзгулик нурлари мисол порлаган Истиклол куёши мустақиллашчилар йилла-

рида қаровисиз, эътибордан четда, вайрона холига тушиб қолган тарихий обидаларга қайта чиroy бағишлади. Айниқса, «Регистон» ансамбли, «Гури Амир» макбараси, «Бибиҳоним» масжид мажмуаси, Улугбек расадхонаси каби нодир тарихий дурдоналар қайта таъмирланиб, халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳларига айлантирилди.

Муусулмон оламида катта нуфузга эга Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида катта қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. «Шарқ меъмorchилигининг гўзал услубида қайта тикланган зиёратгоҳ хал-

қумилиб кетган, боғлар қуриб қовжираб қолган эди. Бобало-нимиз ўз салтанатининг шухрати ва қудрати тимсоли бўлиши пойтахт шаҳарни гўзал ва обод бўлишига, ҳар томонлама тараққий топишига хисса қўшди.

Ул зот дунёдаги кўплаб моҳир меъмorchиларни, қўлигил хунармандларни бу эзгу ишга жалб этди. Уларни маданият ва санъат аталмиш умрбоқий эзгулик атрофида бирлаштирди. Юксак салоҳият, ақл-заковат ва бе-тимсол илхом натижаси ўлароқ дунёда тенги йўқ ажойиб меъморий мўъжизалар бунёдга келди. Темурийлар салтанатининг

ларида амалга оширилган эзгу ишларда, шаҳарсозлик, бунёдкорлик, ободонлаштириш, маданият, санъатга эътибор Амир Темур бошлаган ана шу оламшумул ишларнинг узвий давоми десак янглишмаймиз.

Ҳа, Самарқанд — бугун дунё эътиборидаги туризм шаҳрига айланган. Бу ерда сайёҳлар учун қулай имкониятлар — замонавий аэропорт, темирйўл вокзали, иккита катта шохобекат меҳмонларга бағрини очиб турибди. 30 дан ортиқ меҳмонхоналарда нозик-таъба ҳорж сайёҳлари учун барча шарт-шароитлар маъжуд. Дунёнинг қарий 30 га яқин давлати билан туризмни ривожлантириш учун халқаро алоқалар ўрнатилган.

Сайёҳларга хизмат қиладиган кадрлар малакасини ошириш учун туризм ва маиший кизмат коллежи ташкил этилган. Бу ердаги ўқув лойиҳаси ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда олиб борилди.

Самарқанд гўё бутун дунё халқларини, бир-бирига боғлаб туркчи инсоният тафаккури дундонасига ўқийди. Қадим шаҳар ҳар йили минглаб, миллионлаб зиёратчиларни маънан бирлаштириб, эзгуликка даъват этди. Мўйсафид Самарқанд энг шимариб, белини маҳкам боғлаб қулғу тўй тарадудини бошлаб юборди. Ҳар кўнгилда тўйга тўёна тийёрлаш фикри тўғилди. Ишонимизки, тўйгача кўхна шаҳар янада жозибали бўлиб, қайта чиroy очиб, ер юзига ажиб сайтқал беражак. Илло, улуг зот айтганидек, ободлик аввал кўнгилмиздан бошланади.

Самарқанд гўё бутун дунё халқларини, бир-бирига боғлаб туркчи инсоният тафаккури дундонасига ўқийди. Қадим шаҳар ҳар йили минглаб, миллионлаб зиёратчиларни маънан бирлаштириб, эзгуликка даъват этди.

Мўйсафид Самарқанд энг шимариб, белини маҳкам боғлаб қулғу тўй тарадудини бошлаб юборди. Ҳар кўнгилда тўйга тўёна тийёрлаш фикри тўғилди. Ишонимизки, тўйгача кўхна шаҳар янада жозибали бўлиб, қайта чиroy очиб, ер юзига ажиб сайтқал беражак. Илло, улуг зот айтганидек, ободлик аввал кўнгилмиздан бошланади.

Мўйсафид Самарқанд энг шимариб, белини маҳкам боғлаб қулғу тўй тарадудини бошлаб юборди. Ҳар кўнгилда тўйга тўёна тийёрлаш фикри тўғилди. Ишонимизки, тўйгача кўхна шаҳар янада жозибали бўлиб, қайта чиroy очиб, ер юзига ажиб сайтқал беражак. Илло, улуг зот айтганидек, ободлик аввал кўнгилмиздан бошланади.

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

# САМАРҚАНД — ОНА ЗАМИН САЙҚАЛИ

қаро ЮНЕСКО ташкилотининг рўйхатидаги обидалар қаторида қайд этилиб, дунё сайёҳларининг эътиборига тушди. Бу муқаддас даргоҳга ҳар қуни минглаб одамлар чин ихлол ва эътиқод билан зиёратга шошилди.

ру хунармандлар келади. Уларнинг ҳар бири ўзлари бунёд этган салобатли бинолар мисол халқимиз қалбиди яшайди. Бу обидаларни томоша қилган ҳар бир киши аввал ана шу фидойилар санъатига тасаннолар айтади.

маркази, темурийлар қудратининг тимсоли Самарқанд ер юзининг сайқалига айланади. Амир Темур савий-ҳаракати билан Самарқандда мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар, боғлар барпо этилган. Йиллар, асрлар талотўпидан омон қолиб, истиклол шарофати ила қайта чиroy олган Самарқанддаги салобатли қосоналарга боқарканмиз, ҳаёлга Соҳибқирон фахр-ифтихор билан айтган сўзлар келади.



## Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида иш бошлаган «Учкўприк-Рос» Ўзбекистон - Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар савдога чиқарилиши.

Турт юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонадаги замонавий дастгоҳлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш билан бирга, электр энергиясини тежашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мирзаали Холжигитов Пскент туманидаги илгор фермерлардан. Бу йил 170 гектар майдондан 452 тонна «оқ олтин» етказиб бериши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи август ойининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажармоқда.

Суратларда: фермер (чапдан иккинчи) Мирзаали Холжигитов, механизаторлар Уткир Курбонов, Абдурашид Рафиқонов ҳамда «Ўзбекистон мустақиллиги» фермер хўжаликлари уюшмаси сардори Саврон Мирзаевлар билан; пахта даласида ишлов бериш пайти.

Хамиша уйғоқ шаҳарча аталувчи ушбу гўша хамиша уйғоқ. Нефтни қайта ишлаш заводи кеча-кундуз фаолият кўрсатаётгани боис туну кун бирдек ҳаёт қайнайдди. Қайси-қайси хонадон соҳибидан қайтса, бошқаси унинг ўрнига меҳнатга ошиқди. Электр чиркоқлари нурафшон қилган кўчаларда хизмат автотранспортлари тинмайди.

## Вақиллик фаолиятдан

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшмаси Сурхондарё вилоят вақиллиги бугунги кунда 69 корхона ва ташкилотлардаги 11 минг 260 га яқин ишчи-ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат асосида фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда уларнинг таъсирчанлигини оширишга эришилмоқда. Касабга уюшма қўмиталари, шу билан бирга иш берувчиларнинг масъулияти кучайтирилмоқда.

Жамоа шартномалари асосан 62 нафар ишчи-ҳодим ўз соғлигини тиклади. Бу мақсад учун 2,5 миллион сўм сарфланди. Икки ташкилотда 19 та иш ўрни аттестациядан ўтказилди. Ушбу ҳужжатлар орқали 17 та ташкилотда янги на тариф селтаси нолиничи тоифадан кўтарилишига эришилди.

Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик тармоқ касабга уюшма вилоят вақиллигининг доимий эътиборида. Хусусан, «Исскилик манбаи», «Хўжайпоқсув», «Сурхондарёга» бошланғич касабга уюшмаларининг иш берувчилар олдига қўйилган 16 та расмий талабномалари эвазига 31,2 миллион сўм қарз ундирилишига эришилди.

Миллион сўм ундирилди. Шу йилнинг февралда «Шўрчитумангаз» филиалида авария диспетчерлик хизмати ходимларидан 4 нафар киши ишдан нотўғри қисқаришига туширилгани, иш ҳақини белгиланган мезоҳидан кам тўланганлиги тўғрисида бизга мурожаат этди.

Тармоқ касабга уюшма Марказий кенгаши томонидан уюштирилган мустақилликнинг 15 йиллиги олдидан IV республика кўрик-танловига вақиллик жамоаси «Галаба бўлган ишонч учун», «Энг қувноқ гўрлук» номинациялари бўйича қўлиб деб топилди.

И. УРДУШИЕВ, тармоқ касабга уюшма Марказий кенгашининг вақили

Миллион сўм ундирилди. Шу йилнинг февралда «Шўрчитумангаз» филиалида авария диспетчерлик хизмати ходимларидан 4 нафар киши ишдан нотўғри қисқаришига туширилгани, иш ҳақини белгиланган мезоҳидан кам тўланганлиги тўғрисида бизга мурожаат этди.

Тармоқ касабга уюшма Марказий кенгаши томонидан уюштирилган мустақилликнинг 15 йиллиги олдидан IV республика кўрик-танловига вақиллик жамоаси «Галаба бўлган ишонч учун», «Энг қувноқ гўрлук» номинациялари бўйича қўлиб деб топилди.

И. УРДУШИЕВ, тармоқ касабга уюшма Марказий кенгашининг вақили

# Аскарларимиз ҳаётидан ЭРГАШ БОБО ЧЕГАРАЧИЛАРДАН МИННАТДОР

Танги — Ўзбекистоннинг энг чека кишлоқларидан бири. Табиати хушхаво, тоғ ёнбағрида жойлашган. Туман марказидан анча олисда, ҳовлилар ҳам бир-биридан узокроқ, тароққ.

2005 йилнинг ёзида, пешин маҳали Камолитдин боваси Эргаш бобо билан далада сомон йиғиштириётган эди. Тўсатдан захарли илон Камолитдинни чақиб олди. Қишлоқнинг гўр йиғити бе-ихтиёр илонни босиб олган экан...



Эргаш бобо ҳозир худди шундай ҳолга тушган эди. Бу пайтда Шеробод чегара худудига жойлашган «Хатак» постининг бир гуруҳ ҳарбийлари кундалик юмуши — ўзларига бириктирилган худуд атрофини кўздан кечиришгаётган эди.

Чегарачилар аскарларга хос ҳаракат қилишди. Шошилинч равишда Камолитдинни туман марказий шифохонасига етказишди. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Навқирон йигит бугун, ҳеч нарса бўлмагандак, бобосининг хизмати-ни қилиб юрибди.

Фалокат келса, қўша келадан деганларидек, ордан ҳеч қанча вақт ўтмай Эргаш бобонинг термизлик невараси Отабек ҳам зиявор бейлардан кўриб юрганидек тоғдан қўлаб тушди. Унг қўли ва қовурғасидан қаттиқ жароҳатланди.

Юнус БУРОНОВ

## Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида кўркан, замонавий бир шаҳарча борки, кўрган кишининг ҳаваси қолади, баҳри-дили очилади.

Бугунги кунга келиб мазкур масканда барча қулайликларга эга бўлган 384 та пишшиқ йишдан қурилган икки қаватли кotteжларда завод ишчи-хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари, жами 4200 нафардан ортиқ аҳоли яшайди.

## Истиқлол берган имкон

рафли меҳнатдан сўнг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун завод маъмурияти алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Катта маблаглар эвазига қулай Дилмурод Қаҳҳоров ана шуларнинг бири. У ўзининг «Феруза-Халима» хусусий корхонасида ўндан ортиқ ишчи ўринлари яратган.

## Ҳамиша уйғоқ шаҳарча

Иштатулла ХОЖИЕВ, «Ишонч» муҳбири

## Меҳнат муҳофазаси

тиш учун хизмат сафарига юборилган. Қўмакка келганлар орасида бўлган, қирқ ўшли, 4 нафар фарзанднинг отаси Беғали Хўжақуловнинг эҳтиёсизлиги тўғрисида бахтсиз ҳодиса юз берди.

## Бахтсиз ҳодиса учун ким айбдор?

йўқотди. «Косонёғэкстракциязаводи» очик ҳисдорлик жамияти дураддори З. Саъдуллаев ҳар йилнинг 27 март кун иш жойига соғ-саломат келган. Лекин, жамият устахонасидаги дурадгорлик арасидаги меъёрга жавоб бермаслигини унинг иш жараёнида бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, бармоқларидан айрилган.

## Меҳнат муҳофазаси

тиш учун хизмат сафарига юборилган. Қўмакка келганлар орасида бўлган, қирқ ўшли, 4 нафар фарзанднинг отаси Беғали Хўжақуловнинг эҳтиёсизлиги тўғрисида бахтсиз ҳодиса юз берди.

Иштатулла ХОЖИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Бугунги ёшлар

Гулжамол, устозларингиз ва ижод оламига кириб келишингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

Мен негадир ортда қолган йилларга қарасам, болаликдан кўра улғайиб қолган даврни кўраман. Шер дари, кимларгадир сўз орқали севимли бўлиш орзуси мени ҳеч қачон тарқ этмаган. Боғчага бориб юрган пайтларимда кўп шеърларни ёддан билардим. Отам ҳам шеърят шайдоси бўлиб, ҳозир ҳам қалам тебратиб турадилар. Уйимиздаги маърифат муҳити мени шер ёзишга ундаган, десам адашмайман. Негадир маъзуликни яхши кўраман. Табиатан хушчакчақ бўлсам ҳам шеърларимдаги руҳ гамгинлигини таъкидлашади. Аслида, ижодкор доим нимадандир қоникмай, беҳаловат бўлиб яшайди, шекилли. Бир шеъримда шундай сатрлар бор:

Худо, мени шоир қил дедим, Бу дунёга келмасдан ҳали...

Ана шунча, шер деганлари тугилмасингиздан суюнгизга, юрагингизга кириб оларкан.

Мақтабимизда Ҳамидулло Ҳамроев деган адабиёт ўқитувчимизнинг менга ва ижодимга бўлган эътиборини ҳамда меҳрини ҳамон эсламан. Балки айнан ўша меҳр мени қалбдан, руҳан улғайтиргандир. Домлам ҳатто таққан зирагимгача эътибор билан қарардилар. (Устозим ҳозир андак беморлар. Бориб кўролмаган кунларим учун азобланаман ва ҳаминча тузалиб кетишларини Яратгандан сўрайман). У пайтларда 2-синфда ўқирдим. Менга "шер ўқиганинда кўзларинг чакнаб турсин" дердилар. Дарҳақиқат, юракларни ёндиришни ўргатган бизга устозларимиз.

Мурид бўлиб кимнидир этганини тутишда ҳам киши ҳақиқий пиларини танлаб билиши лозим. Талабалик йилларимданок ижодим элнинг етук шоирлари эътиборида бўлди. Халима Худойбердиева ижодига ва шахсига бўлган меҳрим баланд бўлган. Раҳматли устозим Мухаммад Юсуф баланд овозда бор яхши гапларини мен ҳақимда айтиб кетдилар. У кишининг пок руҳи олдида умрбод қарздорлигим бор. Агарда кимнингдир айтган сўзидан руҳинг бир нафас ором олса ҳам, шу сўзининг эгасидан миннатдор бўлишинг лозим, деб ўйлайман.

Мустақиллик - ҳар бир юртдошимизнинг онгу шурида бир олам ўзгаришларни намоён этмоқда. Истиқлол сизнинг ижодингизга қандай таъсир кўрсатди?

Мустақиллик яратган ўзгаришлар бугун ҳар бир юртдошимизнинг руҳиятида, амалга оширилган

ётган оламшумул ишларда шундоқ кўриниб турибди. Бунёдкорлик ишлари нафақат юртимиз гушаларида, балки одамлар руҳиятида ҳам давом этмоқда. Мен эски даврни кўрмаганман, лекин ўқиб англаймани, истиқлол ҳақиқий маънода ижодкорга эрк берди. Мен озод давр фарзандиман ва илк ижодимдан бошлаб ёзганларимда эркин руҳ бор. Шу эрк учун Истиқлолга бекиёс ташаккурим бор. Мустақиллик айёмимизнинг 15 йиллик тантаналарида бир неча шеърларимга куй басталаниб, ижро этилмоқда.

Яқинда Зоминда ёш ижодкорларнинг навбатдаги анъанавий семинари бўлиб ўтди. Зомин учрашуварининг аҳамияти

Гулжамол Аскарлова: 1978 йилда Каттакўрғон тумани Бешдарғат қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 4 та шеррий китоби чоп этилган. Ҳозирда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида мутахассис, «Зулфияхоним қизлари» клубига раҳбарлик қилмоқда.



би фаолият кўрсатаётир. Уни баҳоли қудрат бошқариб боряман. Мақтаниш эмас-у, қилаётган ишларим ижодимга илҳом бағишлаяпти. Навбатдаги китобимни нашр этишга тайёрлаб қўйганман. Бугунги кунда шериятимизга бир-биридан ажойиб, ўз сози, ўз овозига эга бўлган ёш ижодкорлар кириб келаётганидан қувонасан, киши. Азалдан халқимиз истеъодларга бой. Фарғоналик Нарғиза Охунванинг шерларини ўқир экансиз, унинг ўзига хос янгича топилмаларидан, самимий туйғуларидан хайратланасиз:

Бўлди ўйнамайман ҳеч ўзимчакам, Юрак - дафтарингдан киборни ўчир.

Магар сийнангга кеч бош қўйган эсам, Ватан, ўйинқароқ болангни

кечир.

Бундан ташқари, 2003 йилда мукофот соҳибаси бўлган Гулчехра Зокирова, Озода Турақуллова, Шамсия Худойназарова, Гулноз Мўминова, Озода Бекмуродова каби ижодкорларнинг шерларини ҳам илиқ таасурот қолдириб, муҳлисларига севимли бўлиб қолган.

Маънавиятимизнинг бир бўлаги бу - китоб.

Нега вояга етаётган ёш авлод бадиий китоб ўқимай қўйди? Ёки замонавий цивилизация уларни ўз домига буткул тортиб олди?

Сиз ҳеч хавотир олмаманг, дарёлар ўз ўзанларига қайтадилар. Бизнинг ота-боболаримиз китобни энг яхши дўст деб билганлар. Зебунисодек шох қизи бўлган малика шоирамиз "Менинг оилам ҳам, ҳамма нарсам ҳам китобдир" деб айтганлар. Китобни шу қадар муқаддас билган халқнинг болалари ўз асладан тониб, қаерга ҳам борарди. Китоб қадрдон дўстдек ёнимизга келади ҳар он. Муҳими, ўқийдиган китоблар ёзилса, албатта ўқишди.

Сўхбатдош: ОДИЛ ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

ҲУР ВАТАН ФАРЗАНДИМАН

Ҳақиқат тўхталсангиз.

Зоминдаги адабий кечалар ёш ижодкорлар учун алоҳида мактаб ролини ўйнаши шубҳасиз. 1998 йилда бу ерда ўтказилган кўрик-танловда ғолиб бўлиб, устозлар тавсияси билан Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинганман. Зоминдаги қувноқ ёшлиқнинг аждоғларининг меҳри жўш уриб турган муҳитни бошловчи ижодкор учун парвоз майдонига ўхшатаман. Дарвоқе, Зомин семинари ташкил этилганига ҳам 10 йил тўлибди. Шунинг қувноқ билан таъкидлаш жоизки, бу давр ичида кўплаб ёш истеъодлар кашф этилди. Шоиримиз А.Орипов бу гўшани "Адабиёт зиёратгоҳи" деб айтганлар. Зиёратгоҳ муқаддас бўлиб қолишини истайман.

Бугунги ёшлар ва уларга эътибор ҳақида нима дея оласиз?

Ҳамма даврларда ҳам ёшлар энг илғор қатлам сифатида қадрланиб келинган. Бугунги ёшлар ҳам ташаббускор, фидойи ва қизиқувчан. Баъзан компьютердан бошини кўтаролмай, ҳар хил рок мусикаларга ўйинга тушиб, қайси миллатнинг боласи эканини унутган ёшларни кўрсам, хафа бўлиб кетаман. Ёшлиқданок эзгуликни дилга тугиб, вақтни қадрига етиб, китобга меҳр қўйган, бир неча хорижий тилларда сўзлаша оладиган,

ғуси кўпроқ бўлишини тилайман.

Айни пайтда бор куч, керак бўлса фидойиликни талаб этадиган хотин-қизлар кўмитасида ўз фаолиятингизни давом эттирясиз. Бу ҳақда нима дея оласиз?

Таъкидлаганингиздек, бу - кишининг бор кучини ва фидойиликни талаб этадиган соҳа. Биласизми, давлатнинг қай даражада ривожланганини аниқлаш учун ердаги аёлларга бўлган эътиборни билиш қифоя. Мамлакатимизда инсоннинг биринчи тарбиячиси бўлган хотин-қизларимизга нисбатан юксак эътибор билан қаралаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Буни Юртбошимизнинг бир қатор Фармон ва қарорларида кўришимиз мумкин. Мен жамият ҳаётига янада кўпроқ кириб бораётганимдан, мунис аёллар, опа-сингилларимизнинг турмушда учраб турадиган муаммоларини бар-тароф этишда мисолдекки на ҳиссам борлигидан қувонаман. Президентимиз томонидан жамиятимизда олиб борилаётган кенг миқдосдаги ислохотларни амалга оширишда иштирок этишни улуг иш деб ҳисоблайман.

Мазлумки, бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг сафи 98 нафарга кенгайди. Улар билан иш олиб бориш, ижодларини тарғиб этиш мақсадида "Зулфияхоним қизлари" клу-

Ноодатий таъбиримиз асло эриш туюлмасин. Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш ҳақида гап кетганда, лирик ташбеҳлар ноқоиз дейишга шошилманг. Чунки Ватан манфаати, замондошлар фаровонлиги учун меҳнат қилаётган фидойи инсонларни янги доволарни забт этишга рағбатлантириш мақсадида бундай усуллар ҳам ўзини оқлайди. Самарқанддаги собиқ "Кинап" заводининг кечаги кун, бугун ва келажаги ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, шунга жазм этдик. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тўғрисида мазкур корхона катта имкониятларга эга бўлди. Утиш даври асоратлари гирдобидан чиқиб, бу корхонанинг тараққиёт йўлига қайтиши самандар қушининг қайта қад ростлашига ўхшайди.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

"Кинап" заводини ўз вақтида ҳарбий корхона дейишганларича бор. Дунё уруш балосидан чайқалиб турган даврда, яъни 1942 йилда Нева бўйида, Киев, Одессадан шарққа қўчирилган турдош корхоналар негизида Самарқанддаги "Кинап" заводи асос солинди. Дастлаб бу ерда танкакариши гранаталарнинг металл қопламаси (корпуси) тайёрланарди. Урушдан кейин овоз кучайтиргич ускуналар, проекторлар учун махсус мураккаб қулантйрвчи ускуналар ва бошқа оптик электрон аппаратлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Электроника махсулотларининг дастлабкиларини вакуумли лампалар ташкил этган бўлса, 1967 йилда эътиборан яримўтказгичли ускуналар ишлаб чиқарила бошлади. Бугун корхонада тафаккури теран, изланувчан, ахли ўткир, юртга фидойи, малакали, касбият саноқатли мутахассислар ишлашапти. Эндилкида корхона иқтисодийни барқарорлаштираётган, ишлаб чиқаришини юксалтираётган куч-қудрат уларнинг заковати ва иқтидоридир. Буни тан олмаслик, эътироф этмаслик асло мумкин эмас.

НОЧОРЛИКДАГИ МАЖБУРИЙ ЧОРАЛАР

Тарихий адолат тақозоси билан зўравонлик салтанати пароканда бўлиб кетган, иттифокдош республикалар ҳудудидаги бевосита марказга бўйсунувчи корхоналар, жумладан, собиқ "Кинап" заводи ҳам оғир аҳволда қолди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатлари кескин пасайди. Минглаб ишчилар, бир неча ўнлаб мутахассислар корхонани тарқ этишга мажбур бўлишди. Бунинг устига ўша вақтда корхонани реконструкция қилиш амалга оширилаётгани қўшимча қийинчиликлар тугдирди.

Узоқ келажакни кўзлаган Ўзбекистон ҳукумати даврининг мураккаблигига қарамай реконструкция жараёнлари охирига етказилишини кўлаб-қувватлади. 2 - 3 йил ичида "Кинап"нинг тайёрлов ва ёрдамчи цехлари, электр таъминоти иншоотлари тўлиқ ишга туширилди. Илгариги марказнинг давлат бюртмаси барҳам топган, бу ерда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитига мослашиш тартиқсизда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга киришил-

ҲАР КИМ ҚИЛСА, ЎЗИГА...

Бу нақлнинг маъноси кенг. Демократик, яхшилик қилган иззат, ҳалол меҳнат қилган ҳаловат ва барака топади. Самарқанддаги "Кинап" ОАЖ жамоаси тушган йиллар мобайнида заҳмат чекиб қилинган самарали, мақсадли меҳнати тўғрисида эндиликда фаолиятнинг барча

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ҚАЙТИШ

қўлидан келавермаиди.

Кейинчалик бу ерда коллектор электродвигателлар, электромеханик ускуналарнинг бир неча турлари, радио товарлар, электр қулантйргичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир вақтлар воҳа деҳқонларига қўмақлашиш мақсадида плёнка остига чигит экадиган севялалар ҳам тайёрлаб берилди. Самарқанддаги приборсозлик-конструкторлик бюроси ва "Кинап" заводи қўшилиб, ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган, анча ўзгаришлар кузатилди. Лекин ҳали мақсадга эришилмаганди. Бир неча йил олдин мулкчилик шакли ўзгартрилиб, корхонанинг "Кинап" ОАЖга айлантирилиши чинакамга янги даврни бошлаб берди. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва самараси мана шу ўринда яққол кўринади. Қимирлаган қир ошар, деганларидек корхона жамоаси иқтисодий барқарорлиқни қониқсиз бўладиган даражага етказиб олишди. Ва бундан ўзлари ҳам кўпроқ манфаатдор бўла бошладилар.

соҳаларидаги ишларни йўлга қўйиб олишмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш кўламлигига мутаносиб равишда илгариги вақтларда ижтимоий масалалар ҳам энг юқори талаблар даражасида ҳал этилди. Иқтисодий танглик йилларида бу соҳадаги ишлар оқсаб қолди, - дейди корхона



ланмоқда. Бинолар таъмирланиб, иситилди. Иш шароити яхшиланди. Ошхона, санитария-маиший хоналари ишга туширилди. Темирйўлчилар поликлиникаси билан тузилган шартномага мувофиқ тиббий-профилактик тадбирлар амалга ошириляпти. Зарурат туғилганда,

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Соҳа ходимларини Мустақилликнинг 15 йиллиги билан муборакбод этади

Оллоҳ назари тушган Ватанимизда тинчлик-хотиржамлик абадий бўлсин. Барчамизга соғлиқ, бахт, омад ёр бўлсин!

Ислоҳот ва имконият

ЭРТАНГИ РАВНАҚ КАФОЛАТИ

Ҳар кимга ҳам тушунарли бўлиши учун иккита ҳолатни айтилик. Илгариги 3 минг кишилик жамоадан қийин вақтларда атиги 300 киши қолганди. Ҳозир ходимлар сони 500 кишидан ошиб кетди. Жамоа ўз эҳтиёжларидан орттириб, Самарқанддаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига, мактаб, боғча, шифохонага ҳомийлик қилмоқда. Тендерда иштирок этиб, ўз бизнес лойиҳамиз билан ғолиб чиқдик. Шу тўғрисида корхона узлуқсиз иш жараёни билан таъминланди, - дейди корхона раҳбари Рустам Сатторов. Эндилкида мактаблар, коллежлар, академик лицейларнинг ўқув-лабораториялари, ўқув-ўрта хоналари учун электрон жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай товарлар ассортименти 60 га яқин турни ташкил этади. Шунингдек, рўзгорда ва саноатда қўлланиладиган бир ва уч фазали электр жиҳоблагичлар,

ҳодимларнинг даволаниш харажатлари корхона ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Энг асосийси, корхонада иш ҳақидан қарздорлик барҳам топди. Эндилкида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 90 минг сўмдан зиёдрокни ташкил этмоқда. Бошқа қўшимча тўловлар ва имтиёзлар ҳисобига манфаатдорлик янада ошаётир. Қисқаси, бугунги кунда корхонада иқтисодий ривожланишга эришиш билан бирга, жамоа шартномаси мажбуриятларини икки томонлама бажариш асосий вазифа қилиб қўйилган. Бунинг уддасидан чиқаяпти ҳам. Чунки эришилган ҳар бир янги натижа энг аввало уларнинг ўзларига кўпроқ наф келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги "2006 - 2008 йилларда мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Кинап" ОАЖнинг давлат улушини "ELXOLDING" ("ЭЛ-ХОЛДИНГ") ОАЖ сотиб олишни мўлжаллаган. Бу эса корхона ишлаб чиқаришига бир неча миллиард сўмлик инвестиция киритилди, деганидир.

Утган йили корхона ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилдагига нисбатан қарийб икки баравар ошиб, 1,38 миллиард сўми ташкил этди. 2004 йилда соф фойда 338 минг сўми ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 41 миллион сўмдан ошиб кетди. Энг муҳими, жамоанинг ўз кучи ва имкониятларига ишончи, эртанги кунга умиди мустаҳкамланди.

Корхона жамоаси фаолиятининг замирида Ватан ва халқ манфаати муҳасам. Шунинг учун ҳам у иқтисодий танглик гирдобидан чиқиб, тараққиёт йўлига қайтиб, ривожланишнинг янги погоналарига кўтарилмоқда. Рустам ҚҮРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ, ДАРЁ, ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ-ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Халқимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг  
15 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Юртимиздаги тинчлик, осойишталик,  
хонадонларимиздаги файзу баракот,  
ҳар бир оиладаги бахт, иқбол боқий бўлсин!



**Иккинчи Швейцария деб аталмиш Бўстонликнинг баланд тоғлари бағрида ҳеч бўлганмисиз? Нафас йўллари хасталикларига даволиги хусусида жаҳонда тенги йўк бу масканда оромгоҳу сихатгоҳлар кўп ва яна янгилари кўшилмоқда. Аммо Оқтошни оламга танитган бир сўлим гўша борки, бу ушбу ном билан аталувчи санаторийдир. Унинг ташкил толаганига бу йил ролпа-роса етмиш йил тўлади. Юртимиздаги сихатгоҳларнинг энг тўнгичларидан ва омаддиларидан саналмиш «Оқтош»нинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?**

— «Оқтош» ҳақида жуда кўп гапириш мумкин, — дейди вазминлик билан бош шифокор Ўрмон Тўлаганов. — Қаранг, Қорақия тоғлари бағрида ўзaro уйқаш икки кичик водий бор. Бирини Оқтошсой, иккинчисини Айиқсой. Уларни бурун шаклидаги доvon ажратиб туради... Тогорасимон бу водийчалар куйига эниб бориб сихатгоҳ бағрида бирлашадилар. 26 — 28 фоиз соф кислородга эга бўлган мусаффо ҳавони Қорақия бошларидан мудом эсиб турувчи майин шабада икки сой орқали олиб тушиб, айнан сихатгоҳ марказида бирлаштиради. Натижада шундай бир шифобахш муҳит пайдо бўладики, Оллоҳнинг бебаҳо бу неъматига фақат «Оқтош» санаторийсига насиб этган. Агар эътибор берган бўлсангиз, сихатгоҳдан чиқиб бир чакирим юрмасингизданок ёқимли бу салқинлик йўқолади. Чунки у кенгайган дара бўйлаб тарқалиб кетади. Ёки шаҳар томондан жазирамада бўғриқиб келган ҳар қандай дардманд инсон Оқтошга қадам куйиши ҳамоноқ оромжон бир салқинликни туйди, дарҳол тетиклаша бошлайди. Упка орқали бутун баданга оқиб кирган ҳаётбахш мусаффолик беморнинг қон-қонига сингиб, борлигини яйратиб юборади. Хуллас, нафас йўллари дардларига чалинган беморлар олти-етмиш фоиз шифони Оқтошнинг мусаффо ҳавосидан оладилар. Ўттиз-қирқ фоизини эса ўз касбининг усталари бўлмиш мохир шифокорларимиз, юксак пазандалик маҳоратига эга ошпазларимиз ва бошқа ишчи-хизматчиларимиз беморларга ҳаётададилар.

**— Оқтошнинг ўтмишию, истиқболи ҳақида ҳам гапирсангиз.**

— Ушбу гўзал манзарани, унинг шифобахшлик

хусусиятларини қадимда теран фикрли одамлар ўз хим-

## Ўзбекистон - Ватаним маним

ларга «Кўкмўйлов», «Тилла-тўра» лақабларини олган бир ажнабий инсон бошчилик қилган экан. «Оқтош» сихатгоҳи тарихига назар ташласак, дастлаб кўп йиллар давомида у оддий ёғоч уйлардан қурилган бўлиб, фақат ёз мавсумидагина фаолият кўрсатган. Уринлар

казилди. Йил охиригача оилавий коттежлар ва уч қаватли шифо маскани қурилиши битказилса, бир йўла икки юздан зиёд инсонлар эҳтиёжи қондирилади. Бу айни вақтда «Оқтош» сихатгоҳида ёз мавсумида бемалол даволаниб ором олиш масаласи ижобий ҳал этилади деганидир.

«Кўкмўйлов» генерал томонидан асосан ёнғоқзор ва эманзорлар ташкил этилгани бежиз эмас экан. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида терраса усулида боғлар яратишга яна қўл урилди. Бўстонликнинг Солиқ қишлоғидан чиққан Нортажи ота Гулметов, хумсонлик Аширбой ота Камолов сингари саховатпеша инсонлар улкан майдонларда кўркам боғлар яратдилар. Айниқса, Ҳазалкент шаҳрида яшаб ўтган, кўп йиллар ўрмон хўжалигини бошқарган Мирхидой ота Носиров яратган террасали боғлар Оқтошдаги яшил бойликларга уланиб, Бўстонлик кўрқига кўрк қўшди. Афсуски, кейинги йилларда бундай хайрли ишни давом эттиришга эътибор сусайди. Террасали боғлар барпо этишнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳам қатъият билан ҳаракат қилиб, юқори худудларга табиий газ етказиш керак.


**— Савобли ва масъулиятли ишларингизда жамоангизда кимларга суйанасиз, ҳақиқий фидойи инсонлар кўпдир?**

— Шифокору ишчи-хизматчиларимизнинг ёмони йўқ, ҳаммамиз бир-биримизга суйанамиз, ишонамиз. Агар шу азиз инсонлар бўлмаганда мен бир қадам ҳам олға босолмас эдим...

Ҳа, Оқтош деб аталмиш сўлим даргоҳ яхши инсонлар туфайли тобора чирой очмоқда, кўркамлашмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн беш, «Оқтош» санаторийси ташкил этилганлигининг етмиш йилликлари, айниқса, Ҳомийлар ва шифокорлар йиллида аҳил жамоа улкан режалар оғушида яшамоқда.

Асад АСИЛ,  
ёзувчи

## ЖАҲОНГА ЮЗ ОЧАЁТГАН ОҚТОШ



ҳам элликтдан ошмаган. «Оқтош» санаторийси ва умуман ерли аҳоли учун 1998 йил туб ўзгаришлар юз берган сана сифатида тилга олинади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгированинг бевосита ёрдами билан табиий газ олиб келинди. Натижада Оқтош бағридаги яшил бойликларни қийратишларга қатъиян чек қўйилди. Янги корпуслар бунёд этилиб, даволанувчилар ўринлари 136 тага ет-

## ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОВЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Жаннатмакон юртимизда яшовчи барча инсонларни  
Истиқлолнинг 15 йиллик байрами билан  
самимий муборакбод этади!



Жондан азиз Ватанимизни гуллаиб-яшинатиш ва бундан-да  
юксалтириш йўлидаги ишларда муваффақият ва зафар ёр бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН ЕҢГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз обод бўлсин!*

**Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди**

Бугунги кунда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келатган баъзи йирик завод-фабрикалар ва саноат корхоналарининг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ўз навбатида нафақат саноат соҳаси ривожига таъсир кўрсатибгина қолмай, балки қанчадан-қанча ишчи ўрнининг йўқолишига ҳам сабаб бўлади. **Хўш, мазкур вазиятда қандай йўл тутмоқ лозим? Бугун бир завод-фабрика ёки саноат корхонаси фаолият юритолмаса, жуда кўп нарса бой берилди. Шунинг учун уларнинг қайта оёққа туриб олиши, ўзини ўнглаб кетишига олиб келувчи чораларни излаб топиш зарур. Бу борада изчил сайёҳаракатлар қилиб, чора-тадбирларни амалга оширатган мутасадди бошқармалар мавжуд.**

— Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2005 йил якунлари ва 2006 йилга белгиланган устувор вазифалари"га бағишланган йиғилишида белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида ҳам ана шу меzonларга амал қилинмоқда. Шаҳримизда фаолият кўрсатган юзлаб саноат корхоналарининг мамлакатимиз ривожига муносиб улуши бор. Уларнинг тўла қувват билан ишлаши ютқлар самарасининг ошишига сабаб бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳабибулло Қодиров.

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳолини таҳлил қилиш натижаларига кўра зарар кўриб ишлаш ва иқтисодий ночорлик сабаблари куйидагиларга бориб тақалиши маълум бўлди:

— ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, маҳсулот сотиш ҳажмининг пасайиб кетиши;

— дебиторлик ва кредитторлик қарзлари бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, яъни корхоналарда сотилган маҳсулотга пул тушумининг ўз вақтида амалга оширилмагани сабабли корхона кейинги ишлаб чиқаришни молиялаштириши учун маблағнинг етишмаслиги;

— корхоналар томонидан тўлиқ таҳлил қилинмаган ҳолда узоқ муддатли кредитлар олиш ва уларнинг мақсадсиз ишлатилиши;

— корхоналарда асосий воситалар эскириш даражасининг юқорилиги ва асосий фондларни янгилаш даражаси пастлиги натижасида корхона тайёр маҳсулоти таннархининг юқори бўлишига олиб келиши ва корхонанинг бозордаги рақобатга бардош бера олмаслиги;

— чет эл валюталарида олинган узоқ муддатли кре-

дитларнинг алмаштириш курси фарқи ҳисобига зарар кўриши натижасида йилдан-йилга корхона айланма маблағларининг камайиб бориши;

— ўз мулки ва ер майдонларидан корхонанинг нораціонал фойдаланаётгани;

— корхоналарнинг инвесторларни ўзига жалб қилиш

даражасининг пастлиги;

— бозор механизмлари асосида ишнинг ташкил этилмаслиги каби омиллардир.

Шаҳримизда фаолият кўрсатган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳолини ўрганиш мақсадида бошқарма томонидан ушбу корхоналардан ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ҳамда статистика бошқармасидан ҳар ойда маълумот олинади. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилади ва натижаларга кўра тоифаларга ажратилади.

Сўнгги мониторинг натижаларига кўра, Тошкент шаҳри бўйича 143 та зарар кўриб ишлаган, 46 та иқтисодий ночор корхоналар аниқланди. Мазкур корхоналарнинг оғир молиявий аҳволга тушиш сабаблари корхона раҳбарлари ва мутахассислари билан биргаликда ўрганилади. Уларни зарардан олиб чиқиш ва тўловчанлик қобилиятини тиклаш мақсадида ҳар бир тўман ҳокимлигида ишчи гуруҳи тузилган. Тўман ишчи гуруҳлари тўмонидан ўтган давр мобайнида зарар кўриб ишлаган ва иқтисодий ночор аҳволдаги 74 та корхона бўйича "Зарар кўриб ишла-

ётган, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш" ҳудудий тўман дастурлари ишлаб чиқилди. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида чорак мобайнида зарар кўриб ишлаган 143 та корхонадан 98 таси, яъни 68 фоизи ўз зарарини қоплаб, фойда билан ишлашга ўтди. Жорий йилнинг олти ойида Тошкент шаҳрида зарар кўриб ишлаётган корхоналар 45 тани ташкил қилди.

Иқтисодий ночор аҳволдаги 46 корхонадан 20 таси (43 фоиз) ўз муддати ўтган кредитторлик қарзларини қоплаб, тўловчанлик қобилиятини тиклади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида иқтисодий ночор корхоналар сони 26 тани ташкил қилади.

Корхоналарни зарар кўриб ишлашдан ва иқтисодий но-

чорликдан чиқариш мақсадида аниқ режалар белгилаб олинган бўлиб, шу режа асосида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, "Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истикболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий дастури" ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга киритилган 36 та корхонадан 26 тасида олиб борилган ишлар натижасида уларнинг молиявий аҳоли яхшилланишига эришилди. Иқтисодий ночор корхоналарнинг 15 тадан 8 таси (жумладан, "Ўзбек қоғози", "Антикор" очик акциядорлик жамиятлари, "Ўзнергосозлаш" унитар корхонаси) муддати ўтган кредитторлик қарзларини тўла қоплади. Ҳудудий дастурни бажариш давомида ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига 48,9 миллиард сўм тушум қилинган бўлиб, шундан 39,1 миллиард сўми дебиторлик қарзларини ундириш, 7,7 миллиард сўми тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш ҳисобига бўлди. Шу билан бирга корхоналарда 36 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, 209 та иш ўринлари қайта тикланди.

Шунингдек, "Ўзбек қоғози" очик акциядорлик

жамиятида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўртача 2,4 марта бағам ошди. "ТошТМЗ", "Мехмоост", "Электрогаз" очик акциядорлик жамиятларида ўртача ойлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми 40-50 фоизга, 20 та корхонада ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми 20-40 фоизга ўсиб юқори натижаларга эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 февралдаги 6-сонли баённомасига асосан, ҳукумат томонидан берилган амалий ёрдам натижасида "ТТЗ", "Тошқишлоқ-маш", "Ўзпахтамаш", "Фотон" очик акциядорлик жамияти, "Сувсоз" корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ижобий силжишлар рўй бермоқда.


Бундан ташқари, 3 та корхона ("Юлдуз", "Упақмашавтомат" очик акциядорлик жамиятлари, "Растр" қўшма корхонаси) таркибий ўзгартириш дастурининг бажарилишида ижобий натижаларга эришгани туфайли уларга нисбатан банкротлик таомили қўлланилди.

Шу йилнинг 6 ойида зарар кўриб ишлаган, иқтисодий ночор ва паст рентабельли истикболсиз корхоналардан 26 таси молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича ҳудудий дастурнинг иккинчи босқичига киритилди. Мазкур босқичга киритилган "Агрегат заводи", "Ўзбекишлоқ-маш", "Мотор заводи", "Алгоритм", "Ўзбекистон Шампани" очик акциядорлик жамиятлари, "Тошметрокурилиш", "Тошиссиқликкуват" ИЧБ ва "Сувсоз" корхоналарининг мавжуд муаммолари муҳокама қилиниб, уларни молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш юзасидан тегишли давлат ҳокимият идоралари ва ҳужалик бирлашмалари ва вазифалар юклатилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифалар нафақат шаҳримиздаги, балки мамлакатимиздаги барча корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қаратилгандир. Корхона барқарор ишласа, демак, моддий нёъматлар кўпроқ яратилади. Бу эса ўз навбатида аҳоли катта қисмининг иш билан таъминланишига, ишсизлик даражасининг камайишига, инфляциянинг пасайишига олиб келади. Зотан, ана шу омиллар асосида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошади.


**Ҳидоят ЖУРАЕВА**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ**




*Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан самимий табриклайди. Ҳеч кимни буюк Истиқлол бахш этган хурлик, шодиёна кайфият тарк этмасин, бахт-саодат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!*

**ЎЗБЕКИСТОН ЕҢИЛГИ ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ**



*Мамлакатимиз фуқароларини, барча нурчилар, она замин бойликларини эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилдираётган оловкорларни, кимёчиларни Мустақиллигининг 15 йиллиги билан қизғин табриклайди. Тинчлик, омонлик, Ватан бахт-саодати йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.*


Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда оширишда республикамиздаги олий ўқув юрталарининг ўрни бекиб бўлиб, улар ичидан Наманган муҳандислик-педагогика институти бугунги кунда ўзининг замонавий, моддий ва ўқув-лаборатория базаси ҳамда илмий-педагогик салоҳияти билан ажралиб туради.

ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГДОШ ОЛИЙҒОҲ

Ўшига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига тенг бўлган олийғоҳда олий таълимнинг куниндуги, сиртки ва махсус сиртки шакли бўйича таълим олаётган талабаларнинг чур назарий билим олишлари ва замонавий касб-хунар кўникмаларига эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.



Иститутда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва

хозирги кунда улар олий мактаб олдида турган долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айни кунда олийғоҳ кутубхонасининг умумий китоб фонди 106 минг нусхадан ошиб кетган. Хозирги кунда институти-мизда 270 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия бермоқда.

Юз билан юзлашганлар

бирон жойда учрамайдиган таомларини дастурхонга қўйишарди. Хатто, мутасаддилар бир неча бор "юқоридан" ёки хориждан азиз меҳмонлар келганда ўзбек миллий таомлари қанақа бўлишини намойиш этиш учун М.Бобохоновни кўп бор Тошкентга

хам отахон меҳнатининг мева-си. — Қарасам, ўзимизнинг Фишткўприк даҳамизда яшовчиларнинг мириқиб дам оладиган, уч-тўрт улфат тўпланиб қолса, биргаликда ош дамлаб, пича сухбатлашадиган жойи йўқ. Холбуки, сой кўпригининг пастки қисми доимо янқок босиб бе-кор ётарди. — эслайди отахон.

Отахон тилга олган бу маскан бугунги кунда Наманганнинг энг баҳаво ва гавжум хордик чиқарадиган масканига айланган. Пастликда сой шовуллайди. Илгари кечқурунлари юришга юрак бетламайдиган хиватгоҳ хозир бустонга айланган. Турли-туман гуллар, ям-яшил кўкатлар қулф уриб усаётган соҳилдаги сўриларда ўзбекона давралар авжида. Бу ерда бир қултум ичкиликка ўрин йўқ. Муталлихон отадан бошлаб тўнгич ўғиллари Ҳафизхон ака, набиралари Ҳабибуллохонгача ҳаж сафарига бўлиб қайтишган. Барчаси шаҳарда уста пазанда сифатида ном чиқаришган.

Шу йил баҳорда юз ёшни қаршилаган, фарзандлари-ю, эвара-чевараларигача ўз касбининг давомчилари этиб тарбиялаган отахон эл-юртга фойда келтиришдан ҳали-бери чарчаيدиган эмас. Унинг дилдаги эзгу нияти, кишиларга яхшилик соғини-ши танига тетиклик, куч-қувват бағишлаб турган бўлса, не ажаб!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

га "ака" деган сўзни қўшиб айтарди. Жумладан, менга ҳам шундай дея мурожаат қиларди. — Уйчида кадрдонларингиз кўп-да, отахон, — гапини қувватлайман.

— Нимасини айтасиз, ахир, эллик йилга яқин ишладим ўша жойда. Хозиргача йўқлаб келиб туришадим. Бормасам, уйчилик кадрдонларимни кўрмасам, ўзим ҳам соғиниб қоламан.

— Аслида Уйчи ҳам шаҳарнинг бир четидек гап. Наманганнинг нариги четига боргунча Уйчига етасан, — яна изоҳ беради отахон. — Раҳматли Манзураҳон аянгиз "кўпчилик сизни уйчилик деб ўйлайди", деб қўлардилар. — Ҳа, ўн икки-ўн уч ёшдан кўлига капир ушлаган, сомса тандирининг "елкаси"га минган Муталлихон ўн беш-ўн олти ёшдан "қўли ширин пазанда" сифатида доврғ қозонди. Уша пайтларда ошпазлар ўртасида "Бобохонов палови", "Бобохоновчасига кабооб", "Бобохонов шурваси" деган гаплар тарқалган. Илоҳияга олисроқ жойдан, хусусан, Тошкентдан меҳмонлар ташириб буюриб қолишса, дарров Муталлихон Бобохоновни топиб келишар, бошқа

МУТАЛЛИХОН ОТАНИНГ ШУКРОНАСИ

Ҳикоя қилишларича, Муталлихон ота ўтган асрнинг йигирманчи йилларида бир ошпазга шоғирд бўлиб Уйчига борган ва шу-шу туманга ўрганиб қолган экан. — Аслида Уйчи ҳам шаҳарнинг бир четидек гап. Наманганнинг нариги четига боргунча Уйчига етасан, — яна изоҳ беради отахон. — Раҳматли Манзураҳон аянгиз "кўпчилик сизни уйчилик деб ўйлайди", деб қўлардилар. — Ҳа, ўн икки-ўн уч ёшдан кўлига капир ушлаган, сомса тандирининг "елкаси"га минган Муталлихон ўн беш-ўн олти ёшдан "қўли ширин пазанда" сифатида доврғ қозонди. Уша пайтларда ошпазлар ўртасида "Бобохонов палови", "Бобохоновчасига кабооб", "Бобохонов шурваси" деган гаплар тарқалган. Илоҳияга олисроқ жойдан, хусусан, Тошкентдан меҳмонлар ташириб буюриб қолишса, дарров Муталлихон Бобохоновни топиб келишар, бошқа

чақиртириб кетишган. — Катта Фарғона канали қурилишининг бошланишидан охиригача қурувчилар учун палов пиширдим. Гоҳо, битта қозонда икки юз-уч юз килогача ош дамлаганман, — эслайди отахон. М.Бобохонов Шимолий ва Жанубий Фарғона канали қурилишларида ош дамлади. Тошкентда ўтказилган ҳосил тўйларда ўз ошпазлик санъатини намойиш этди. — Камтарингана шу хунар орқасидан қанчадан-қанча танишлар орттирдим, обрў топдим. Икки юзга яқин ўғил-қизим, набираларим, эвара-чевараларим бор, бунинг учун мингдан-миг шукрона айтаман, — дейди отахон. — Бугунги кунда йигирмадан ортқ фарзанд ва набираларим эл хизматиди. Хўнаримни давом эттиришяпти. Мақоламан бошланишида тилга олинган ва "Фишткўприк" номи билан аталаётган ошхона

Ёзги соғломлаштириш

тир, — дейди маскан раҳбари Турсунбой Ҳамидов. — Дам олувчиларга кунига 4 маҳал иссиқ овқат берилмоқда. Гуруҳлар ҳам ўртасида мунтазам равишда "Қувнок стартлар", "Балли қизлар", "Уйла, изла, топ" каби тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тарбиячилар ҳам роҳлигиди юртимизнинг табар

спорт мусобақалари уюштириб, турли кўнгличор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётган. Сўлим табиат қўйида барпо этилган "Дилором" оромгоҳи туман агроансоат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси хомийлигида фаолият олиб боради. Жорий мавсумда меҳнаткашларнинг 450 нафар дилбанди бу ерда хордик чиқаришди. Улар дам олиш масканида яратилган шарт-шароитлардан умумий фойдаланишмоқда. Хусусан, футбол, волейбол майдончалари, бассейн болалар билан доимо гавжум. Мавсумни кўнглили ўтказиш мақсадида уюштирилаётган

и. одилов

ЁШЛАР КУТГАН СОВФА



Янгийўл туманидаги 34-мактаб қурилганига ярим асрдан кўп бўлди. Шу давр ичидан у неча марта таъмирланганини кўпчилик эс-лаётган бўлади. Ўқувчилар қишда совқдан, ёзда иссиқдан қийналишарди. Яқинда мактабнинг 315 ўринга мўлжалланган асосий бино-си янгидан барпо этилди. Бу ерда 303 миллион сўмликдан зиёд қури-лиш ишлари бажарилди. Янги мак-таб марказлашган иситиш тизими, спорт залига эга. — Мустақиллигимизнинг 15 йил-



Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ХИКМАТ Ёшлиқдан ҳаракатинг қанча зўр бўлса, Кексайганда қувонасан ўшанча. Хўнари ва одоби бўлмаган ки-шидан бахт ва давлат кетади. Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Тасанно ДОВОНДА МУСТАҲКАМ

Юртимизда қураги ерга тегмаган пол-вонлар кўп. Мана, ниҳоят, билаги қай-рилмаган йигитларимиз ҳам пайдо бўлди. Касаба уюшма спортда мийтилган уч-кун қаршида дунё зўрлари юқиниши кимнинг ҳаёлига келиб қолмай. Сира ёдимдан чикмайди.

Умиджонни Ҳиндистонга хавотиру ҳадик аралаш кузатгандик. Ҳар тугул совриндор бўлиб қайтди. Мард майдонда билинди. Бир гал дунё зўрлари ҳавосини олган йигитнинг шиддат-шижоати ана шундан сўнг аланга олди.

Кейинги олти йил армрестлинг оламида фақат Умиджоннинг қуёши порлади. Мухлис-лари ишқибозлар фақат Ўзбекистон байроғи-ни шарофатдилар. Олам зўрлари тинчасини қуритган йигит ёлғиз эмас. Унинг ортида ку-раш заминига ўз сўзини айтишга хозиру но-зир Мирзачўл ёшлари бисёр.

— Олти карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедовга ҳавасим балинд, — дейди хуқуқш-нос Тоҳир Усмонов. — Шу боис уч ўлимни спортнинг бу турига ундадим. Улардан умид-дим катта.

Тоҳир ақанинг ўзи ҳам спортни жон-дили-дан севади. Елкаси ерга тегмаган полвон-лардан. Уғиллари ҳам чакки эмас. Катта ўгли Фарид армрестлинг оламида танилиб бора-япти. Хали ёш бўлса-да икки карра қиъта че-мпioniлигини қўлга киритишга улгурди. Қўллаб халқаро мусобақаларда зафар қучди. Мала-кали мураббий Курбон Қунишевнинг бу со-ҳада ўзига хос мактаб яратгани, вилоятда ар-мрестлингга қизиқиш ортиб бораётгани тах-синга лойик.

Армрестлинг шохсупасини бой бермасликка интилиш катта. Чемпион Умиджон Аҳмедов ҳам ўзига муносиб шоғирдлар тайёрлашни аллақачон бошлаб юборган. Унинг тарбияси, таълимини олган Фарход Ҳудоберо қўқини Осиё чемпиони олтин медали безаб тургани фикримиз далилидир. У ҳам устози сингари дунё пойдорлари пешқадами бўлиш, юксак чўққини забт этиш учун тинимсиз машғулот-лар олиб бораёпти.

— Армрестлинг бўйича нафақат мамлака-тимиз, балки дунё микёсида ҳам сирдарё-ликлар олдида тушадиганлар ҳали-вери то-пилмас керак, — дейди Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган спортчи, "Жасорат" медали со-ҳибни Умиджон Аҳмедов. — Бири-биридан ўзи-ша интилаётган ёшларимиз саъй-ҳара-кати бундан далолат бериб турибди.

Дарҳақиқат, спортнинг юксак чўққилари кўп. Уни забт этиб, қулаётганлар оз эмас. Аммо армрестлингчиларимизнинг давонда мустаҳкам қолаётгани захматли меҳнат ва ис-теъдод маҳсулидир.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Ishonch MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга кўнгирак қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламурадов Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Р.Сайдахмедова Мусаҳҳих - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бақиров ва Ю.Михайловский